

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Шоимов Норқобил Бобомуродович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти катта
ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент*

Аннотация: Мақолада бугунги кунда инсониятни ташвишга солаётган энг глобал муаммолардан бири бўлган экологик муаммолар, улар ҳақида юртбошимизнинг фикрлари, бу масала ўз вақтида ақл-идрок билан ҳал қилинмаса, тегишли назорат органлари ўз фаолиятларининг самарадорлиги оширмаса, қабул қилинган қонун ва қоидалар тўлиқ амалга оширилмаса, жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва бу жараёнда ички ишлар органларининг аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: экология, экологик хавфсизлик, экологик маданият, «Яшил Макон», атроф-муҳит, инсон ҳаёти, халқимиз саломатлиги, экологик ҳуқуқбузар, экологик жиноятлар.

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы экологии, являющиеся одной из самых глобальных проблем, волнующих человечество сегодня, взгляды главы нашего государства на них, то, что если этот вопрос не будет решен своевременно и разумно, если соответствующие контролирующие органы не повысят эффективность своей деятельности, а принятые законы и нормативные акты не будут исполняться в полном объеме, это может привести к весьма серьезным последствиям, а также подчеркивается важность органов внутренних дел в этом процессе.

Ключевие слова: экология, экологическая безопасность, экологическая культура, «Зеленое пространство», окружающая среда, жизнь человека, здоровье нашего народа, экологический правонарушитель, экологические преступления.

Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш керак.

Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддамида «Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи, мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб, ушбу

Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз» - дея таъкидланганидек, экология масалалари ва у билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Таъкидлаш лозимки, экологик муаммолар бугунги кунда жаҳон жамотчилигини ташвишга солаётган энг хавфли ҳодисалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу тўғрисида, «Бугун бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала – экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

Бизнинг вазифамиз – ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бу борада сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Биз учун «яшил» ва рақамли технологиялар, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди»¹ – деган эди.

Ушбу фикрларни бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бунга мисол сифатида сув ресурсларининг ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишини, Орол муаммосини ҳамда ерларнинг деградацияси ва бошқа экологик муаммоларни қайд қилиб ўтишимиз мумкин. Агар бу масала ўз вақтида ақл-идрок билан ҳал қилинмаса, тегишли назорат органлари ўз фаолиятларининг самарадорлиги оширмаса, қабул қилинган қонун ва қоидалар тўлиқ амалга оширилмаса, жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Экологик муаммолар солаётган хавф ва унинг оқибатлари, яъни у билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг ўсиб бориши бугунги кунда уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан комплекс, махсус профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Бундай комплекс профилактик чора-тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, айниқса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг 2017 йил 10 апрелдаги *«Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини*

¹ Ш.М. Мирзиёев. Президент экологик муаммолар ва сув танқислиги ҳақида гапирди // <https://kun.uz/kr/news/2023/08/31/prezident-ekologik-muammolar-va-suv-tanqisligi-haqida-gapirdi#>

кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармонида таъкидлаганидек: “Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди”.¹

Шундай экан экологик хавфсизликни таъминлашда, унинг асосий йўналишларини амалга оширишда ички ишлар органларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ички ишлар органларининг барча соҳада бўлгани каби, бу соҳадаги аниқ вазифаларини белгилаб беришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли², 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли³ Фармонлари ва 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли⁴ ҳамда 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сонли¹ қарорлари асосий манба бўлиб, катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий Маърузаларда: табиий ресурслар, хусусан, сув, ер, минерал хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва уйғунликда (комплекс) фойдаланиш; республиканинг бутун ҳудудида табиий атроф-муҳит ифлосланганлик даражасини экологик-гигиеник ва санитар меъёрлар даражасигача камайтириш; мамлакатимизнинг экологик танглик ҳудуди - Оролбўйида, шунингдек бошқа экологик ноқулай шароитлар ҳудудларида экологик ҳолатни соғломлаштириш, қайта тиклаш ва локаллаштириш бўйича комплекс чоралар кўрилишини таъминлаш; республика

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон, 09.04.2022 й., 06/22/101/0288-сон.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон; 11.04.2025 й., 06/25/65/0331-сон.

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон, 04.04.2022 й., 07/22/190/0268-сон, 15.04.2022 й., 07/22/207/0310-сон; 02.08.2022 й., 07/22/339/0703-сон; 21.01.2023 й., 07/23/10/0043-сон; 22.08.2023 й., 07/23/282/0631-сон; 22.01.2025 й., 07/25/01/0059-сон; 27.01.2025 й., 07/25/17/0073-сон; 20.08.2025 й., 07/25/253/0752-сон.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.01.2025 й., 07/25/01/0059-сон; 20.08.2025 й., 07/25/253/0752-сон.

аҳолисини сифатли ичимлик суви, озиқ-овқатлар, дори-дармонлар билан таъминлаш; экологик муаммоларни ҳал қилишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни кучайтириш; экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш; аҳолини тарбиялаш ва экологик таълим, маданият тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш; экология соҳасида илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш ҳамда илмий-техник имкониятларни ривожлантириш; Марказий Осиё минтақавий экологик хавфсизлик тизимини шакллантириш; экологик фалокатлар, кулфатлар, фавқулодда вазиятлар ва аварияларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш; экологик мониторинг, башорат ва ахборотлаштиришнинг ягона тизимини яратиш; турли даражадаги давлат органлари ва табиатдан фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва иқтисодий механизмни такомиллаштириш, қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнига экологик талабларни киритиш каби экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу устувор йўналишларни амалга оширишда ички ишлар органлари ўз фаолиятларига тегишли бўлган қисми бўйича маълум ишларни амалга оширадилар.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бўлган аҳолининг экология соҳасидаги маданиятини ўстириш, шаҳарларда аҳоли яшаши учун қулай шароит яратиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш ва шу каби бошқа йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамда ҳозирда мавжуд бўлган экологик муаммолар, экологик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда содир этилганларини фош этишда ИИВнинг қатор бўлинма ва хизматлари ижобий ишларни амалга ошириб, экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларига ўзларининг салмоқли улушларини қўшиб келмоқдалар.

Шу боис, экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларини амалга оширишда фикримизча, ички ишлар органларининг фаолиятларини кенгайтириш, уларнинг бу соҳадаги аниқ вазифаларини белгилашда эътиборни қуйидагиларга қаратиш ва уларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари сафидан жой олган аҳолининг экология соҳасидаги маданиятини ўстириш учун ички ишлар органлари ходимлари томонидан мунтазам равишда ёшлар билан уларнинг ўқиш жойларида ва аҳолининг бошқа қатламлари билан иш жойларида, клубларда, санъат саройларида шу мавзуга оид учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида доимий экологик рухлар ташкил қилинишига;

иккинчидан, республикамиз ҳудудига бошқа қўшни республикалардан кириб келадиган транспорт воситаларининг экологик ҳолатини текшириш

бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида "Экотранснзорат" экологик постларини кўпайтириш ва уларнинг самарали фаолият юритишига эришишга;

учинчидан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Яшил Макон" ташаббусини чинакам умуммиллий лойиҳага айланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшишларига ва ҳ.к.

Мухтасар қилиб айтганда, ички ишлар органлари ижроия ҳокимиятининг бир бўғини сифатида қонунларнинг, ҳукуматимиз қарорларининг ижросини таъминловчи давлат органи бўлиб ҳисобланади ва юқорида кўрсатиб ўтилган таклифларнинг амалда ўз ифодасини топиши, давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларини ички ишлар органлари томонидан бажарилишида муҳим ўрин тутди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023 й. – 120 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон, 09.04.2022 й., 06/22/101/0288-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сонли Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон; 11.04.2025 й., 06/25/65/0331-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-27-сонли Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон, 04.04.2022 й., 07/22/190/0268-сон, 15.04.2022 й., 07/22/207/0310-сон; 02.08.2022 й., 07/22/339/0703-сон; 21.01.2023 й., 07/23/10/0043-сон; 22.08.2023 й., 07/23/282/0631-сон; 22.01.2025 й., 07/25/01/0059-сон; 27.01.2025 й., 07/25/17/0073-сон; 20.08.2025 й., 07/25/253/0752-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сонли Қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.01.2025 й., 07/25/01/0059-сон; 20.08.2025 й., 07/25/253/0752-сон.